КОММУНИКАТИВ - ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛДА ИНСОН ОМИЛИ

М.М. САИДХОНОВ

В данной статье рассматривается роль личностного фактора в коммуникативно-дискурсивном анализе.

In this article was considered the role of personal factors in communicative-discursive analyze.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан жаҳон тилшунослигида лисоний тадқиқотнинг марказида унинг яратувчиси ва ижрочиси, шунингдек, реципиенти бўлмиш шахс омилига эътибор кучайди. Тилнинг асосий вазифаси алоқа-аралашувдан иборат экан, бу йўлдаги ҳар қандай лисоний операцияда шахс омили бирламчи саналади. Ёинки ҳар қандай тилнинг мавжудлиги **лисоний шахс** фаолиятига, унинг мулоқот жараёнидаги ўрнига боғлиқ. Тил тадқиқига шахс омили нуқтаи назардан ёндашув **антропоцентрик тилшунослик**нинг ҳосил бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Антропоцентрик нуқтаи назар бошқа фанларнинг ҳам тадқиқот йўналишининг ўзгаришига – инсон омили асосида тадқиқ этишга олиб келдики, психология, мантиқ, этнография, адабиётшунослик ва қатор фанларнинг диққат марказида шахс масаласи асосий омил бўлиб майдонга чиқмоқда, хулосалар антропоцентрик парадигма рамкаси орқали чиқарилмоқда.

Тилнинг вазифаси алоқа-аралашув воситаси сифатида қуруқ ахборотни узатишдан иборат бўлмасдан, бутун коммуникатив актни ўз ичига олади. Яъни сўзловчининг мулоқот мақсади узатилаётган ахборотнинг сифати ва адресат томонидан қабул қилиб олиниши, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро муносабат, мулоқот амалга ошган ҳолат ва ҳ. к. Бу ўринда ахборотнинг қайтарзда узатилаётгани ва тингловчининг ахборотни қабул қилиб олиши катта аҳамият касб этади. Шунга кўра тил шакл сифатида баҳоланиб, инсон ҳаёти фаолиятининг усули, инсон тафаккури ва ҳаёт тажрибаларининг вербаллашуви, шахснинг ифода воситаси ва кишилар ўртасидаги ҳамкорликдаги фаолият маҳсули деб қаралмоқда.

Кишилар ўртасидаги нутқий мулоқот тилшуносликда дискурсив ёндашувнинг юзага чиқишига сабаб бўлган бўлса, “Дискурсив фаолият, яъни онгли тарзда нутқ яратиш жараёни шахс омилини ўрганишни тақозо этади. Зеро, ҳар қандай нутқ кўриниши бу ўзида муайян ижтимоий-маданий муҳитга мансуб психологик ва когнитив жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган шахс фаолиятининг натижасидир ” [5.88].

Тилшуносликда шахс тушунчаси, биринчидан, ижтимоий тараққиётнинг натижаси деб қаралиб, мулоқот кишининг касбий, ижтимоий, жинсий, ёш асосидаги, ирқий, этник, диний, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлари натижасида рўёбга чиқади. Ҳар қандай шахс маълум даврнинг маҳсули экан, ўша давр ижтимоий тафаккури, психологияси, маданияти ва яшаш тарзини ўзида намоён қилади. Ундаги индивидуаллик умумийликни келтириб чиқаради, ёинки умумийликнинг ҳосиласига ўз ҳиссасини қўшган бўлади. У мулоқот тизимида асосий фигура сифатида гавдаланиб, унинг алоқа-аралашув фаолияти муносабатлар тизимида элемент сифатида, уни шакллантирувчиси сифатида гавдаланади. Иккинчидан, шахс нафақат таъсир объекти саналади, балки ижтимоий меҳнатнинг, онгли фаолиятнинг иштирокчиси, мулоқотга киришувнинг моддий-маънавий субъекти, оламни идрок қилувчи ва уни вербал йўл билан қайта ифодалаб берувчи, шунингдек, унга ўз муносабатини билдирувчи, ўз “Мен”ига эга бўлиб, ўз имкониятлари даражасида бошқа шахсга таъсир этувчи, мулоқотга киришувчи шахсдир. Шахс шахсий қизиқишлар ва мотивлар асосида шаклланса-да, бунда унинг фаолияти ижтимоий стимул касб этади. Бу эса унда индивидуаллик, оригиналликнинг шаклланишига асос бўлади. Шахс умумқабул қилинган, фаолият ва мулоқотнинг барча учун нормаллашган, шаклланган этикет асосида алоқага киришиши билан бирга унга ижодий ёндашади, унга янгиликлар киритади.

Шахснинг қарашлари маълум субъектга тааллуқли эса-да, у бошқа шахс қарашлари билан умумлашиб ижтимоийлик касб этади ва мулоқот жараёнида муносабатлар аниқланади. Шахс тушунчасида ижтимоийлик ва индивидуаллик, умумийлик ва хусусийлик, табиийлик ва сунъийлик, объективлик ва субъективлик диалектик боғлиқ бўлади. [1]

Тилшуносликда **антропоцентрик** ёндашув тадқиқотчилар эътиборини тил системасини уни ташкил этувчиси бўлмиш **сўзловчи шахс** билан уйғунлашган ҳолда ўрганишни тақозо этадики, бу билан тил реал коммуникация шароитида ўрганилади. М.С.Саломатина бу ҳолатни ҳозирги коммуникатив лингвистикада мулоқотнинг шаклланишида катта

ўзгаришлар намоён бўлиши билан, “шахснинг персоналлашуви” билан изоҳлайди. [6.3]

Тилга коммуникатив-функционал ёндашувнинг кучаяётгани, социолингвистик, психолингвистик, этнолингвистик йўналишларга кенг ўрин берилаётгани ҳамда тадқиқот олиб борилаётганининг асосий сабаби ҳам сўзловчи - тингловчи муносабатидаги номутаносибликни бартараф этишдан иборатдир. Шунга кўра олимларнинг эътибори турли тоифадаги кишилар алоқа-аралашувидаги фарқланиш, ўзига хосликлар, коммуникатив актнинг юзага чиқишидаги индивидуал ҳолатларга қаратилмоқдаки, бунинг натижасида коммуникантлар ўртасидаги мулоқот тўсиғини олиб ташлаш, алоқа-аралашувда нормани аниқлашга эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда тилни чегараланган, алоҳида олинган унсур сифатида талқин этиш, уни ўз қобиғига ўралиб қолган ҳолда ўрганиш, ўзи учун ва ўзинигина текшириш тамойили асосида тадқиқ этиш эскириб қолгани сабабли тил инсоннинг яшаш фаолияти сифатида, инсоннинг борлиқ ҳақидаги тасаввурларининг моддийлашган – вербаллашган кўриниши сифатида, инсонларнинг биргаликдаги ижтимоийлашган фаолиятининг шакли сифатида ўрганилмоқда.

Тилшуносликда шахс тушунчаси ҳақида гапирганда, шуни эътиборга олиш керакки, инсон тилнинг яратувчиси ва ижрочиси саналади. У ўз фикрини хоҳлаган усулда ва шаклда тингловчига етказиши мумкин бўлиб, у бу ахборотнинг адресат томонидан қабул қилиниши (интерпретацияси)га ҳам масъул саналади. Бу эса коммуникантларнинг мулоқотга тайёрлик даражасига боғлиқ бўлади. Коммуникатив акт таркибига кирувчи барча восита ва ҳолатлар (нутқий ва нонутқий воситалар, ситуация, коммуникантларнинг ижтимоий-лисоний хусусиятлари ва ўзаро муносабатлари ва б.) прагмалингвистик жиҳатдан таҳлил этилади ва маъно ифодалайди.

Тилшуносликда шахс омили хусусида тўхталганда, уни ҳаракатга келтирувчи ўзига хос модель тўғрисида тўхталиб ўтиш даркор. Рейнвальд: “Шахс фақат мулоқот жараёнида шаклланади ва намоён бўлади ”, – деб айтар экан, социал психология нуқтаи назаридан олиб қараганда, у “интерперсонал муносабатлар модели” асосида рўёбга чиқишини таъкидлайди. [2.197]

Шахс фақат мулоқот актида, айнан, диалогда намоён бўлади. [3.82]

Диалог – суҳбатдошларнинг бевосита бир-бирига қаратилган нутқи. Нутқнинг бу тури ўзига хос қатор белги–хусусиятларга эга. [4.35-36] Диалог 2 суҳбатдошнинг бир мавзу (мазмун)даги мантиқий боғлиқ ва давомли нутқи саналиб, коммуникантларнинг монотематик нутқи диалогик бирлик ҳисобланади. Диалог коммуникациянинг табиий ва ёрқин ифодаси саналиб, ҳар қандай тил диалогда яшайди ва ўзини намоён этади.

Нутқий фаолиятни намоён этувчи ҳар қандай коммуникация маълум ситуацияда рўёбга чиқар экан, табиий ҳолда нутқий ва нутқий бўлмаган элементлар муносабатидан таркиб топади. Новербал воситалардан фойдаланиш тил тизимининг етиш-мовчилиги бўлмасдан, алоқа-аралашувнинг табиий, реал ва жонли чиқиши учун омил саналади. Нутқий ва нонутқий воситаларнинг ишлатилиши коммуникатив актнинг юзага чиқишидаги ўзига хос тизим саналади.

Шунинг учун ҳам Н.Н.Обозов диалогларда инсон омили коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари асосида намоён бўлишини ва мулоқот муносабатларнинг реаллашишидан иборат эканини таъкидлайди. [7.84]

Шахс дискурсда фаол ёки нофаоллигини, эмоционал ёки ноэмоционаллигини, мушоҳадали ёки мушоҳадасизлигини, юмшоқ ёки сержаҳллигини ва бошқа жиҳатларини намоён этар экан, мулоқотнинг боришини назорат қилади, бошқаради, суҳбатдоши ўртасидаги муносабатларга кўра алоқа-аралашувни юзага чиқаради.

Қуйида келтирилган микроматннинг коммуникатив-дискурсив таҳлили асардаги персонажларнинг фикрларини, ўзаро муносабатларини, эҳтиросларини, қўйингки, дискурсни жонли тасаввур этишга ёрдам беради.

- Тўғри,- дада[С], - Асқар[А] ўрнидан туриб, даврага[Д] мурожаат қилди, - менинг ҳеч қандай даъвои достоним йўқ. Дадам бизга ортиғи билан ёрдам қилган. Мен, укаларим, аям, сингилларим... ҳаммамиз истаган нарсамизни еб-кийиб катта бўлганмиз. Буларнинг ҳаммаси дадам туфайли. Дадамнинг бизга, ўз оиласига қилганини... билмадим, Марҳаматда бирон бошқа оила бошлиғи қилганмикан-йўғмикан? Энди дадамнинг аям билан кейинги вақтда кўп ҳам чиқишмай қолгани бор гап, бу сизларга ҳам сир эмас. Лекин “Аям билан ажрашди”, деб биз уни юлишга ҳаракат қилмаслигимиз керак, тоға! – Асқар энди Аъзам тоғасига[Б] қарата гапирарди...

- Сен ниманиям билардинг, тирранча!... – Аъзам ака бомбадай портлади.

- Оғзингга қараб гапир, Аъзам!... – Энди Муҳаммаджон ака ўзини босиб туролмади. – Менинг болаларимга овозингни кўтарма! Ўчир!! – у қўлини мушт қилиб шундай дағдаға қилдики, ўрнидан туриб, оғзидан тупуги сачраб акиллай бошлаган Аъзам аканинг тиззасигача қалтироқ кириб, қандай букилганини ва жойига чириб тушган олмадек “пўкиллаб” тушганини билмай ҳам қолди. Муҳам-

маджон ака важоҳатли нигоҳини яна бир муддат уни ўчиб, шалвираб қолган қайноғаси Аъзам акага тикиб турди-да, сўнг ҳовури бироз чиққач, ўғлига қараб, - давом эт, болам, - дея ўрнига чўкаркан, чап кўксини ушлаб қўйди. (У.Ҳамдам. Мувозанат.- 17.б.)

Ушбу дискурс 4 субъектдан иборат бўлиб, Асқар [А], Аъзам ака [Б], Муҳаммаджон ака [С] ва омма [Д]ни ташкил қилади. Субъектлар нутқида *тасдиқ, ахборот узатиш, миннатдорчилик, истеҳзо; аччиқланиш, жаҳл* каби ҳиссиётларнинг ифодасини кузатишимиз мумкин. [Д] субъект дискурсда пассив рол ўйнайди. Нутқ ҳиссий, руҳий ҳолатлар билан, имо ва ишоралар ва суперсегмент воситалар билан кузатиб борилади. [А] субъект томонидан мулоқотда расмийлик (ҳурмат, миннатдорчилик, шукрона, истеҳзо) ҳукмронлик қилган. [А] нутқи дадасига, даврада ўтирган барчага ва Аъзамга қарата аталган БЎЛИБ, 1-қисми *тасдиқ ва унинг изоҳини билдириб,* информатик характер касб этган бўлса, 2-қисми *истеҳзо, изоҳ, озроқ киноя* тарзида ифода этилган. Ушбу нутқ мулоқот этикаси талабларига жавоб беради. [А] нутқининг адресати **дада, тоға** ундалмалари ва **даврага мурожаат қилди** мурожаат ифодаси орқали ифодаланган бўлиб, ҳар бир адресатга аталган нутқ ўзаро оҳанг билан ажратилади.

[Б] субъект нутқида *жаҳл, аччиқланиш*нинг ифодаланишига сабаб унинг [А] субъектдан ёш жиҳатдан катта эканлиги, унинг тоғаси экани, кўпчилик олдида унга дашном бергани, ушбу дискурсив актда унга қарши позициядаги [С]ни ҳимоя қилгани сабаб бўлган. Жаҳл ифодаси лисоний жиҳатдан "**тирранча"** сўзи орқали ифодаланган бўлиб, ушбу сўз салбий эмоционал-экспрессив маъно билдиради. Гап оҳанги ва шахс ҳолати муаллиф ремаркаси орқали берилган.

[С] субъект нутқи ҳам 2 та адресатга қаратилган бўлиб, [Б] субъектга аталган нутқ жанговар - *дағдаға* ифодалаб, [Б] субъектнинг [А]га қаратилган тажовузкорона нутқига қарши ифода этилади. Нутқ эҳтиросли, ҳиссиёт билан ирод қилиниб, сўзлашув услубига хос. Нутқий ҳолат муаллиф ремаркаси орқали тасвирланади. Нутқнинг иккинчи қисми [А]га қаратилган: *даъват, таклиф* мазмунини ифодалаб келган. Нутқ адресатларга ундалмалар (Аъзам - [Б]), болам - [А]),субъект ҳаракати ва нигоҳи орқали йўналтирилган. Нутқ ишоралар, ҳаракатлар, имолар, суперсегмент воситалар ва муайян ҳолатлар билан кузатиб борилган.

Келтирилган парчада [А] ва [С] адресантлар нутқи матнда ўз адресатларига ундалмалар ва изоҳлар орқали берилган бўлса-да, [Б] субъект нутқи, гарчи [А] шахсига қаратилса-да, мазмунан [С]га йўналтирилгани учун у [Б]га нисбатан тажовузкорона таҳдид асосида фикр билдиради.

Матний парчадаги шахслараро муносабатларда дискурсив блоклар мазмунини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

[А]	Тасдиқ	С
	Ахборот	Д
	Киноя	Б
[Б]	Дағдаға	А
[С]	Таҳдид	Б
	Таклиф	А

Ушбу полилогик нутқда [А] ва [Б], [Б] ва [А], [С] ва [Б] диалогик блоклари фаол бўлиб, ўзаро коммуникатив актни ҳосил қилади. [А] нутқи ушбу матнда берилмаган [С] нутқини тасдиқлаш билан бошланган бўлсада, контактив адресат [Б] эканини унинг ифодаланган фикрга реакциясидан билиб олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, конфликтив мулоқот [Б] ва [С] ўртасида бўлган.

Кўриниб турибдики, нутқий актнинг амалга ошишида, мулоқотнинг шаклланишида шахс дискурс субъекти сифатида асосий фигура саналади. У нутқий оқимни бошқарувчи, шакллантирувчи, ривожлантирувчи ёки тугатувчи дискурсив актнинг коммуниканти ҳисобланади.

Табиий мулоқот жараёни кузатилса, дискурс коммуникант-шахслар ўртасидаги нутқий ва нутқий бўлмаган воситалар орқали амалга оширилади. Келтирилган матнда ҳам коммуникантларнинг мулоқотида **ўрнидан туриб даврага мурожаат қилиш** *диққатни жалб этишни*, ундалманинг (**тоға**) ишлатилиши ва **тоғасига қарата гапирди** жумласини келтириш *нутқ адресатини кўрсатишни*, **тирранча** ундалмаси ва **бомбадай портлади** бирикмаси *мурожаатни,жаҳлланишини, аччиқланишини,* **ўзини босиб туролмади, қўлини мушт қилиб шундай дағдаға қилдики** ремаркаси *қаттиқ аччиқланганликни*, **тиззасига қалтироқ кириб, шалвираб қолган** бирикмалари *қўрқувни, мағлубиятни*, **важоҳатли нигоҳ** *ўқрайиб қарашни*, **чап кўксини ушлаб қўйиш** юрагининг безовта бўлганини англатади.

Дискурсда шахс адресант-адресат мақомида мулоқот субъектлари бўларкан, уларнинг индивидуаллиги нутқ услубларида турлича намоён бўлади. Юқоридаги бадиий насрий матндаги коммуникантларнинг нутқий актда ранг-баранг лисоний ва нолисоний воситалардан фойдаланишлари бадиий услубнинг эркин, ижодий эканлигидан бўлса, бу ҳол расмий нутқий мулоқотда ниҳоятда чегараланган бўлади. Негаки коммуникант-шахс ҳам дискурсда расмий шахс сифатида гавдаланади.

Дискурсда шахс ўзининг табиий нутқий ва нонут-

қий мулоқотга киришиши билан, ижодий тафаккури ва муайян ҳолатни яратиши билан, ўзигагина хос бўлган темпераменти, коммуникатив актдаги фаолияти билан, ҳиссий жараёнларни бошидан кечириши билан индивидуаллик касб этади. Бу эса дискурсни яратувчи, унинг ранг-баранглигини таъминловчи асосий ўзак **лисоний субъект - шахс** эканидан далолат беради.

Прагмалингвистиканинг лисоний тадқиқот майдонига дадил чиқишининг сабаби ҳам шахс фаолиятининг коммуникант сифатида барча қиррала-рини ўрганиш, алоқа-аралашувда аҳамиятли бўлган барча восита, усул ва услубларни коммуникатив актнинг ташкил этувчиси сифатида тадқиқ этишдан иборатдир. Коммуникатив актда иштирок этувчилар - шахсларнинг типлари, уларнинг психологик, социологик, миллий, мантиқий, этик, этнолингвистик, ментал хусусиятларини аниқлаш ва шу аснода лисоний шахс типологиясини ўрганиш ички ва ташқи лингвистиканинг муштарак ҳолда коммуникацияга хизмат қилишини англатади.

Адабиётлар:

1.Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М., 1977.
2.Рейнвальд Н.И. Психология личноси. – М., 1987. – С.197.
3.Сухих С.А. Языковая личность в диалоге // Вопросы строя немецкой речи.- Владимир, 1973. – С.82.
4.Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти. 2002. – Б.35-36.
5.Худойберганова Д. “Ўткир Ҳошимов насри тилининг когнитив-дискурсив хусусиятлари”// Ўзбек тили ва адабиёти журнали.- 2010.- № 4.- Б. 88
6.Саломатина М.С. Коммуникативная личность филолога. Автореф. дис. канд. филол. наук.- Воронеж. 2005. – С.3
7. Обозов Н.Н “О трехкомпонентной структуре межличностного взаимодействия // Психология межличностного познания.- М.,1981.- С.84

Андижон давлат университети,
2012 йил 17 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)